Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Куч — адолатда

2015 йил
31 декабрь,
пайшанба
№ 51-52 (565)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА

мустаҳкам жамият таянчи

Биз ҳақиқатан ҳам, ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак — улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришга қодир ва салоҳиятли бўлишларига эришиш, бунинг учун эса, албатта, нуридийдаларимизнинг ҳар томонлама соғлом камол топишларини таъминлаш лозим. Президентимиз Ислом Каримовнинг ана шу сўзлари замиридаги эзгу мақсадлар янги, 2016 йилнинг мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши тимсолида яна бир бор ўз тасдиғини тонди.

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Шу маънода, қадимдан бобо-момоларимиз насл-насабининг соғлом бўлишига алоҳида эътибор билан қараган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам бу масалага жиддий аҳамият бергани бежиз эмас. Зотан, насл тозалиги, зурриёд соғломлиги ва янги авлод баркамоллиги кўп жиҳатдан онанинг саломатлигига боғлиқ эканини аждодларимиз яхши англаган.

Ҳақиқатан ҳам, юртимиз оилаларида ва маҳаллаларида, аввало, ёшларнинг саломатлигини таъминлаш, уларга мукаммал билим бериш, айни пайтда фарзандларни юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга муносиб шахслар этиб вояга етказиш азалдан муҳим масала бўлиб келган. Мустақиллик йилларида ушбу вазифалар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, турли соҳаларда юксак ютуқларга эришишнинг етакчи омили бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 1993 йил 4 мартдаги Фармонига мувофиқ, мустақил юртимизнинг биринчи ордени — "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилгани Ўзбекистонда жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик фарзандларни вояга етказишдек ғоят муҳим вазифани амалга ошириш йўлидаги ислоҳотлар истиқлолнинг илк давридаёқ бошланганидан далолат беради.

Ўтган даврда ҳар бир йил — "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили", "Мустаҳкам оила йили", "Обод турмуш йили", "Соғлом бола йили" каби қатор номлар билан аталиб, ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга йўналтирилган узвий дастурлар ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этиб келинмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, мамлакатимизда болалар манфаатларини ҳимоя қиладиган миллий қонунчилик базаси шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштириб борилаётганини таъкидлаш лозим. Юртимизда инсон ҳуқуқларига оид ўнта халқаро конвенция ратификация қилинган. Ўзбекистон, шу жумладан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва унинг иккита факультатив протоколи иштирокчиси ҳисобланади.

Миллий ҳуқуқий тизимимизда бола ҳуқуқларига оид қонунлар алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, бир қатор қонун ҳужжатлари, Президент фармон ва қарорлари ҳаётга татбиқ этилгани шулар жумласидандир. Конституциямизда бола ҳуқуқлари мустаҳкам кафолатланган. Асосий Қонунимизнинг 45-моддасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда ушбу соҳада юздан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бу борада, айниқса, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур ҳужжатда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидалари эътироф этилгани ҳолда, улар янада такомиллаштирилган. Яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оилавий муҳит ва жамиятга интеграциялашуви, турар жойи, ижтимоий ҳимояси ҳамда таълим олиши билан боғлиқ ҳуқуқлари ҳам кафолатланган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Самимий қутловлар

Янги — 2016 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва жамоат арбоблари Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини юборганлар.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаганлар:

Америка Қўшма Штатлари Президенти **Барак Хусейн Обама**

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Дмитрий Медведев**

Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири **Ли Кэцян**

Корея Республикаси Президенти **Пак Кин Хэ**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими Шайх **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Бош қўмондонининг ўринбосари, Абу Даби валиаҳди Шайх **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири Шайх **Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

Испания қироли **Фелипе VI**

Польша Республикаси Президенти **Анжей Дуда**

Канада Генерал-губернатори **Дэвид Ллойд Жонстон**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Нурсултон Назарбоев**

Туркманистон Президенти **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон**

Қирғиз Республикаси Президенти **Алмазбек Атамбаев**

МДҲ Ижроия қўмитасининг раиси — Ижро этувчи котиби **Сергей Лебедев**

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

Mezon

Қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш

демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим омили

Қонун ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини ошириш мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, шу орқали истиқлол йилларида давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган қонунлар яратилиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида теран татбиқ этилмоқда.

Шу маънода, 2015 йил ҳам мамлакатимиз қонун ижодкорлигида ўзига хос самарали йил бўлганини таъкидлаш лозим. Ушбу йилда Олий Мажлис томонидан 14 та қонун қабул қилингани ва матбуотда чоп этилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

(Давоми иккинчи бетда)

E`tirof

Озод ва обод юртга байрамлар ярашади

Янги йил байрамини осудаликда, тўкин-сочинликда, кўтаринки кайфиятда кутаётган юртдошларимизга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Кўчаларимизни безаган рангин чироқлар, мамлакатимиз бош майдони — Мустақиллик майдонидан тортиб барча вилоят, туман ва шаҳарлар марказлари, идора ва ташкилотлар, муассасалар, хонадонларимизга кўрк бағишлаётган арчалардан таралаётган ёғду халқимиз ёруғ руҳияти билан эгизак гўё...

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА ҳуқуқ бўлими бошлиғи

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда халқимизнинг бахтли ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Бу истиқлолнинг дастлабки йилларидан давлатимиз томонидан узоқни кўзлаб, инсон манфаатига йўғрилган туб ислоҳотлар ҳаётга жорий этилгани самарасидир.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Парламент фаолияти

ва депутатлар фаоллигини ошириш йўлида

Олий Мажлис — парламентимизда ва маҳаллий вакиллик органларида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгари сурадиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январида бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида ана шундай фикрларни айтган эди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳаётга кенг татбиқ этиш масаласи жорий йил бошидан янги таркибда иш бошлаган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари Дастури қабул қилингани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу асосда ўтган даврда, авваламбор, Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қонун ҳужжатлари ҳар томонлама инвентаризациядан ўтказилди. Сўнгра амалдаги қонунларнинг бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган нормаларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланди.

Инвентаризация натижаларига кўра, 65 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши кўзда тутилди. Бугунги кунга қадар қабул қилинган янги қонунлар ва амалдаги қонунларнинг янги таҳрирдаги лойиҳаларини тайёрлаш, шунингдек, тегишли қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш шулар сирасига киради.

Элдор ТУЛЯКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

(Давоми учинчи бетда)

Тинчлик ва бахт — эгизак

Мамлакатимизда қўлга киритилаётган барча ютуқларнинг асоси тинчлик ва осойишталикдадир.

Тобора яқинлашиб келаётган Янги йил байрами шодиёналари кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш мақсадида тегишли давлат ташкилотлари билан бирга маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Маҳалла оқсоқоллари, профилактика инспекторлари ҳудудда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, халқимизнинг ҳушёрлигини ошириш, байрамни кўнгилли ва мароқли ўтказишга кўмаклашаётир.

Маҳаллада тинчлик-тотувлик, осойишталик муҳитини мустаҳкамлашда маҳалла посбони жамоат тузилмасининг ҳиссаси катта. Жамоатчилик асосида фаолият юритаётган посбонлар маҳаллада соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни кучайтириш, ёшларни турли иллатлардан ҳимоялаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фуқаролар йиғини раисининг фаол кўмакчисига айланган.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Илтимос, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаш тартиби ҳақида маълумот берсангиз?

Темур АМИНОВ,
Бухоро вилояти,
Қоракўл тумани



— Жиноят кодексининг 46-моддаси талабига биноан, ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Агар шахс бир неча ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо қандай тартибда қўлланилади. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз?

Самандар ОЧИЛОВ,
Тошкент вилояти,
Бўка тумани

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 34-моддасида бир неча ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўлланиш тартиби белгилаб қўйилган. Ушбу модда талабига кўра, битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айни бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Яқинда бир ҳамкасбим жамоа олдида мени атайин ҳақорат қилди. Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда ҳақорат қилганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?

Исроил МАЖИДОВ,
Сурхондарё вилояти,
Қумқўрғон тумани

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, шахсни ҳақорат қилиш маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддасига асосан, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш — энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 140-моддаси талабига кўра, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Жиноят ишини юритиш тамом бўлгунга қадар ашёвий далиллар қаерда сақланади?

Жуманазар ЭГАМОВ,
Сирдарё вилояти,
Янгиер тумани



— Жиноят процессуал кодексининг 210-моддасига асосан, ашёвий далиллардан: тез бузиладиган нарсалар, кундалик рўзғорда зарур бўладиган нарсалар; уй ҳайвонлари, паррандалар ва боқиш лозим бўлган бошқа ҳайвонлар зарур тергов ҳаракатлари ўтказилгач, кечиктирмай эгаларига қайтариб берилиши лозим.

Тез бузиладиган нарсалар ёки уй ҳайвонлари, паррандалар ва бошқа ҳайвонларнинг қонуний эгаси ёхуд мулкдори номаълум бўлган ёки бошқа сабабларга кўра, уларни қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда улар қараб туриш ёки белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун тегишли корхона, муассаса, ташкилотга топширилиши лозим.

Саволларга Олий суд катта консультанти Акмал АЛИЕВ жавоб берди.

Mezon

Қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш

демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ана шу қонунлардан тўрттаси янги қонун ҳисобланади. Булар сирасига "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида", "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида", "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида" ва "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонунлар киради.

Шунингдек, 3 та қонун, яъни "Электрон тижорат тўғрисида", "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида" ва "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди. Айни чоғда, мавжуд қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги бир қатор қонунлар ҳам қабул қилинганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Бу борадаги ишлар таҳлили 2015 йилда ҳам парламент томонидан қабул қилинган қонунлар давлат қурилиши ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларини қамраб олганини кўрсатмоқда.

Хусусан, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, инвестиция ва пай фондлари ҳамда электрон ҳукуматнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Қолаверса, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги муносабатлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тартибга солувчи қонунчилик асослари ривожлантирилди.

Шунингдек, хорижий давлатлар билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга, иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олишга келишилди. Жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, маъмурий жавобгарлик, фуқаролик ва фуқаролик процессуал қонунчилиги янада такомиллаштирилди.

Шу билан бир қаторда, хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қирқдан ортиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бухгалтерия ҳисоби, ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги, ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари, энергиядан фойдаланиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш, давлат статистикаси, сиёсий партияларни молиялаштириш, парламент назорати тизими янада такомиллаштирилди.

Шу ўринда 2015 йилда қабул қилинган қонунлар билан мамлакатимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, айниқса, хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш жоиз.

Шу маънода Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари муҳим аҳамитят касб этди. Жумладан, 2015 йил 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, амалдаги қонун ҳужжатларига бевосита хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмини таъминловчи қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс "Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш" деб номланган 241^{1}-модда билан тўлдирилгани шулар сирасидандир. Худди шундай, Жиноят кодекси ҳам шу номдаги 192^{1}-модда билан тўлдирилди.

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасида қабул қилинган қонунлар ичида янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун алоҳида ўринга эга. Шу йил 23 майда кучга кирган янги таҳрирдаги мазкур қонун ҳозирги кунда савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатлар, яъни транзакция харажатларини камайтиришга, электрон тижорат субъектларининг бирбиридан географик узоқлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга, сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри ва тезкор шартномавий муносабатлар ўрнатишга, халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмасини яратишга хизмат қилмоқда.

2015 йилда қабул қилинган қонунлардан яна бири — "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонун ҳисобланади. Бу қонун ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча турдаги транспортда ташиш вақтида йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарар ўрнининг кафолатли равишда қопланишини таъминлашга қаратилган.

Ўтаётган йилда қонун ижодкорлиги борасида эришилган муҳим ютуқлар давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида назарда тутилган қонунларнинг қабул қилиниши билан боғлиқ эканини алоҳида қайд этиш лозим. Зеро, Концепция ва унда қабул қилиниши назарда тутилган қонун ҳужжатлари жамиятимизни ислоҳ этиш, демократлаштириш ва либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган, дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб тан олинган дастур асосини ташкил этади.

Хусусан, 2015 йил 25 августда қабул қилинган "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун мазкур Концепцияда назарда тутилган бўлиб, у миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлигига асосланган. Ушбу қонун фонд бозори томонидан капиталнинг иқтисодиёт тармоқларига эркин ўтишини таъминлаш, инвесторлар ва аҳолининг кенг қатламига капитал бозорига киришига имконият яратиш, жамғармаларни шакллантириш ва кўпайтиришга муқобил имкониятлар яратиш каби вазифаларни янада самарали бажариш учун муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Айни вақтда 2015 йил 9 декабрда матбуотда эълон қилинган ва шундан олти ой ўтгач, кучга кириши белгиланган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги, тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулияти ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратишга хизмат қилади.

Қонунга кўра, "электрон ҳукумат" деганда, давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими тушунилади.

Айтиш керакки, Ўзбекистон дунёда бундай қонунни қабул қилган саноқли мамлакатлардан биридир. Мазкур қонун юридик ва жисмоний шахсларга электрон давлат хизматлари тақдим этиш ва улардан фойдаланишни яхшилаши баробарида, жамият ҳаётининг турли соҳалари, хусусан, соғлиқни сақлаш, таълим, аҳоли бандлиги, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, уй-жой коммунал хўжалиги, савдо-сотиқ каби кундалик турмушда кенг қўлланиладиган соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтиради.

Қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири — давлат органлари томонидан электрон давлат хизматлари кўрсатишда "бир дарча" принципининг кенг жорий этилишидир. Бошқача айтганда, электрон давлат хизматлари кўрсатувчи орган мазкур хизматларни кўрсатиш учун шу каби органларда мавжуд бўлган ҳужжат ва маълумотларни мустақил равишда, ариза берувчининг иштирокисиз идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш воситаси орқали олиш имкониятига эга бўлди. Бу эса, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулияти ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни мустаҳкамлаш, уларга кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Жорий йилда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида ҳам бир қатор қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар билан жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, судларда фуқаролик ишларини юритиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда электрон ҳужжат алмашинувини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари ривожлантирилгани эътиборга лойиқдир.

Айниқса, 2015 йил 10 июнда матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларида ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Фуқаролик процессуал кодексига фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу янгиланишлар 2016 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга киради.

Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаатлар электрон шаклда ҳам амалга оширилишининг белгиланиши мазкур кодексга киритилган муҳим янгиликлардан бири бўлди. Фуқаролик процессуал кодексининг 238^{3}-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза судга ёзма шаклда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда берилиши назарда тутилди.

Шунингдек, электрон шаклда судга бериладиган аризалар қаторидан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги (Фуқаролик процессуал кодекси, 309^{5}-модда), ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги мурожаатлар (309^{10}-модда) ўрин олди. Бундан ташқари апелляция, кассация шикоятлари берилган ёки протест келтирилгандан кейин даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими тузиши нафақат ёзма, балки электрон шаклда ҳам баён этилиши (348^{11}-модда) белгилаб қўйилди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддаси аризада даъвогарнинг ёки вакилининг, шунингдек, бошқа тарафнинг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкинлиги, аризада электрон манзил кўрсатилганлиги аризачининг суд чақирув қоғозларини ва бошқа хабарномаларни, суд ҳал қилув қарорлари ва ажримларининг нусхаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда олишга бўлган розилигини билдириши ҳақидаги нормалар билан тўлдирилди.

Ҳақиқатан ҳам, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятида электрон ҳужжатлар айланишини тезлаштиради. Бу, ўз навбатида, тегишли ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштириш ва сақланишини таъминлайди. Шу билан бирга, суд муҳокамаси иштирокчиларини ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хат-хабарларни юбориш имкониятини яратади. Буларнинг барчаси одил судлов самарадорлигини оширишга, унинг тезкорлиги ва қулайлигини таъминлашга хизмат қилиши билан ниҳоятда муҳимдир.

Мухтасар айтганда, кейинги йилларда юртимизда профессионал асосда ишлайдиган парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ортиб бормоқда. Айни чоғда, Президентимиз таъкидлаганидек, Олий Мажлис, ҳукумат ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектларнинг энг муҳим вазифаси шундан иборат бўлиши керакки, улар қонунларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳам ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиши зарур. Токи ушбу қонун ва механизмлар ҳаётдаги аниқ муносабатларни кенг миқёсда амалда тартибга солиб борсин, бу муносабатларда иштирок этадиган ҳар бир субъект ўз ўрнини билсин ва ўз фаолиятида қонун талабларига асослансин.

Яна бир муҳим вазифа, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш бўйича самарали тизим яратишдан иборат. Бинобарин, бундай тизим — асосий марралардан чалғимасдан, реал ҳаётдан узоқлашмасдан — нафақат давлат бошқаруви, иқтисодий тараққиёт соҳасидаги аниқ вазифаларни ҳал этишда, балки асосий мақсадимиз бўлган демократик ҳуқуқий давлат қуришни изчил амалга оширишда қандай қонунлар қабул қилиш кераклигини аниқ белгилаш имконини беради.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

Fuqarolik qonunchiligi

Қонуний тузилган

Маълумки, битимлар шахслар ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар натижасида юзага келади.

Битимларнинг ҳуқуқий мақоми ҳақида сўз борганда, улар фуқаролик ҳуқуқи, қолаверса, хусусий ҳуқуқнинг асосий институтларидан бири ҳисобланишини таъкидлаш лозим.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 101-моддасига кўра, битимлар — фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатлардир.

Битим муайян бир ҳуқуқий оқибат туғдириши, унинг воситасида ҳуқуқий натижага эришилиши билан бошқа юридик фактлардан фарқланади.

Битимнинг ёзма шакли Фуқаролик кодексининг 107-моддасида белгиланган бўлиб, ёзма шаклда тузилган битимни тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзолаши талаб этилади. Ёзма шаклда тузиладиган битимлар икки турга бўлинади. Яъни оддий ёзма ва нотариал идораларда тасдиқланадиган битим.

Оддий ёзма битим деб, битимнинг шартларини ўз ичига олган ва тарафлар томонидан имзоланган ҳужжатга айтилади. Қонун билан талаб этилган битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. Бироқ низо чиққан тақдирда, тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Нотариал тасдиқланган битим деб, белгиланган шаклда нотариат хати бўлган, нотариус томонидан имзоланган ва гербли муҳр босилган ёзма ҳужжатга айтилади. Нотариал шакл-даги битим уни тузувчилар ёки вакиллари томонидан нотариус ҳузурида имзоланади.

Битимларни нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қонунда кўрсатилган ёки тарафлардан бири талаб қилган ҳоллардагина мажбурийдир. Жумладан, уй-жойларни олиш-сотиш, гаровга қўйиш шартномалари ва бошқа баъзи шартномалар, шунингдек, мулкни васият қилиш тўғрисидаги битим (васиятнома) нотариал тартибда тасдиқланиши талаб қилинади.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 112-моддасига мувофиқ, битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

Битимларнинг оддий ёзма ва нотариал тасдиқланган шаклда тузилиши баъзи муҳим асослар бўйича белгиланган. Чунончи, битимнинг ёзма шакли битим тузилганлиги фактини бир томоннинг баённотига ёки гувоҳларнинг кўрсатмаларига қараганда, асослироқ исботлайдиган дадил бўла олади.

Бироқ ҳаётда қонун талабларига риоя этмай оддий тилхат асосида уй-жойларини олди-сотди қилаётган кишилар ҳам учраб туради.

Qonun ijodkorligi

Парламент фаолияти

ва депутатлар фаоллигини ошириш йўлида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан ташқари йил давомида қонун лойиҳаларини турли босқичларда, шу жумладан, давлат ва нодавлат ташкилотлар мутахассислари, жамоатчилик вакиллари ҳамда малакали экспертлар билан кенг муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузурида турли соҳалар бўйича етакчи мутахассис олимлар ва амалиётчилар, фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат эксперт гуруҳлари тузилди. Уларнинг бевосита иштирокида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тизимли асосда муҳокама қилиш, мунтазам назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш ишлари йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳалардаги жадал ривожланаётган ислоҳотларни амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни илгари суришда депутатлик корпусининг фаоллигини ошириш масаласи ҳам ғоят катта аҳамият касб этади. Бунда, айниқса, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш, қонунларнинг талаб даражасидаги ижросини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш, қонунда белгиланган депутатлик назорати шаклларини қўллашни тубдан кучайтиришга депутатлар саъй-ҳаракатларининг самарали сафарбар этилиши муҳим ўрин тутади.

Шу мақсадда парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияларининг фракциялари "Демократик кучлар блоки"ни тузишди. Хусусан, ҳозирги кунга қадар "Демократик кучлар блоки"нинг 5 та йиғилиши ўтказилди. Бу йиғилишларда Қонунчилик палатаси муҳокамасидаги қонун лойиҳалари юзасидан блокнинг позицияси ишлаб чиқилди.

Қонунчилик палатасидаги қонунчилик жараёнида парламентда фикрлар хилма-хиллиги кўринишида намоён бўлаётган бундай соғлом рақобат муҳити қонун ижодкорлиги самарадорлигининг ортиши, партияларарo рақобатнинг кучайиши, натижада қабул қилинаётган қонунларда жамиятнинг турли қатламлари манфаатлари ўз аксини топишига хизмат қилмоқда.

Айтиш керакки, депутатларнинг ўз сайлов округларидаги фаолияти қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил жараёнида алоҳида ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, ўтган даврда сайловчилар билан ишлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш орқали депутатларнинг ўз сайлов округлари билан алоқалари янги босқичга олиб чиқилди.

Шунингдек, ўтган даврда Қонунчилик палатаси томонидан назорат ваколатларини амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Омбудсман ва Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолиятига оид ҳисоботлари эшитилди ҳамда маъқулланди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботи мақулланди. Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги 2015 йилнинг ҳар чорақдаги ҳисоботлари эшитиб борилди.

Қонунчилик палатаси томонидан энг муҳим молиявий ҳужжат — 2016 йилги Бюджетнома — солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари қабул қилинди.

Келгуси йил учун Давлат бюджети лойиҳаси ишлаб чиқилишида солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланган ялпи ички маҳсулотнинг — 7,8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 8,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 6,1 фоиз, капитал қўйилмалар ҳажми — 9,6 фоиз ўсиши назарда тутилгани ҳамда мазкур кўрсаткичларнинг якунланаётган йилда ҳам юқори суръатларда ўсиши кутилаётгани асос қилиб олинди.

Ўз навбатида, келгуси йилга белгиланган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари барқарор иқтисодий ўсишни, ҳудудларнинг мувозанатли ривожланишини, Давлат дастурлари, айниқса, ижтимоий соҳага оид дастурларнинг бажарилишини ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишни таъминлашга қаратилгани эътиборлидир.

Шунингдек, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби масалаларга қаратилди. Бу борада йил давомида Қонунчилик палатасида 60 дан зиёд қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Жумладан, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани, "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида" ҳамда "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилинганлиги иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни узлуксиз техник ва технологик янгилаб бориш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш каби давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни амалиётга тадбиқ этиш механизмларининг ҳуқуқий асослари яратилиб келинаётганлигини мисол келтиришимиз мумкин.

Бундан ташқари жорий йил 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан хусусий мулкни ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, шунингдек, хусусий мулкни олиб қўйишда айбдор шахсларнинг, жумладан, мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида 40 дан зиёд қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса, ялпи ички маҳсулотни шакллантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда асосий ўрин эгалловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада рағбатлантиришга ва уларнинг иш фаолиятини сезиларли даражада жадаллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қонунчилик жараёнида янги таркибдаги депутатлар томонидан Конституциямизда белгиланган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан аввалгига нисбатан анча фаол фойдаланилаётганига эътибор қаратиш жоиз. Яъни ўтган даврда 8 та қонун лойиҳаси бевосита депутатлар томонидан киритилди.

Яна бир муҳим жиҳат депутатлар томонидан ишчи гуруҳларда қонун лойиҳалари юзасидан асослантирилган ва аниқ таклифлар тақдим этилгани билан боғлиқдир. Бу, ўз навбатида, қонун лойиҳаларининг сифатига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатиб, уларни маромига етказиш имконини берди. Бунда, албатта, депутатларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари мобайнида қонун лойиҳалари юзасидан фикр алмашинувлари ҳам ниҳоятда қўл келди.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган даврда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ишлаб чиқилган қонунлар мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида муҳим аҳамиятга эгадир.

E`tirof

Озод ва обод юртга байрамлар ярашади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Энг муҳими, мамлакатимизда юртдошларимизнинг барча орзу-умидлари ижобатининг мустаҳкам пойдевори — тинчлик ва барқарорлик изчил таъминланмоқда.

Шунинг учун ҳам жонажон Ўзбекистонимиз кейинги йилларда нафақат иқтисоди жадал ривожланаётган, балки бахтли, аҳолининг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётган, қонун устуворлиги таъминланаётган, тинч ва осойишта мамлакат сифатида халқаро миқёсда тан олинди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бизнинг бундай ўта муҳим масала, яъни юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш бўйича мана шундай юксак даражага кўтарилганимиз, бу соҳада олиб бораётган ишларимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга ғурур ва ифтихор етказади.

Бундай дориломон кунларнинг қадрига етиш, унга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Шу жиҳатдан бугунги кунда бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари зиммасида ҳам улкан масъулият бор. Таъкидлаш жоизки, глобаллашув жараёнлари тобора тезлашиб, дунёнинг бир чеккасида юз берган воқеа-ҳодисалар унинг иккинчи бир четида зудлик билан акс-садо бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳолатнинг ўзи барчамиздан замонавий билимларни, ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни мукаммал эгаллашни, бир сўз билан айтганда, касбий малакамизни ошириш учун ўз устимизда мунтазам ишлашни талаб қилмоқда.

Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг демократик ислоҳотлар жараёнидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, журналистларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувига эътибор қаратилаётгани, бу жараённинг қўллаб-қувватланаётгани ҳуқуқий мавзуда тайёрланаётган материаллар сифати яхшиланишига, соҳа вакилларининг аҳоли ҳуқуқий маданиятини оширишга қўшаётган ҳиссаси кўлами янада кенгайишига кенг йўл очди.

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида жамиятда қонунийлик, қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири — бу одамларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни шу руҳда камол топтириш, фуқароларнинг қонунни пухта билиши, юксак ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлишидан иборатлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Зеро, қонунларни яхши билган киши унга риоя этади, ўз ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймайди.

Бу жараёнга ҳисса қўшишда қабул қилинаётган қонунлар, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар моҳиятини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқий идоралар ҳамкорлиги кенгаяётгани эътиборга молик. Бундай ҳамкорлик натижасида фуқароларнинг барча соҳалардаги, уларнинг истеъмолчи сифатида, даъвогар, тадбиркор сифатида ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланаётганини кўрсатиб бериш орқали ҳам аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшилмоқда.

Шу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакатимизда бошқа танловлар қатори айнан ҳуқуқий мавзудаги материаллар учун "Адолат — қонун устуворлигида", "Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида" республика танловлари ўтказиб келинмоқда. 2015 йил якунлари бўйича ҳар иккала танловда ҳам менга ғолиблик насиб этгани бу борада янада кўпроқ меҳнат қилишга, янгидан-янги ижодий парвозларга руҳлантирди, десам, хато бўлмайди.

Тинчлик ва бахт – эгизак

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

— Маҳалламизда жамоатчилик асосида фаолият юритаётган посбонлар осойишталикни таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда, — дейди пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги "Беҳизор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Миноварҳўжаев. — Амалга оширилаётган бундай ишлар ёшлар тарбиясида кенг жамоатчилик ва отаоналарнинг фаоллигини ошириш, улар қалбида юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни турли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, маънавият ва маърифат масалаларида жамоатчилик комиссияларининг ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

— Инсон учун меҳр ва эътибордан ортиқ мукофот йўқ, — дейди Мадғафур Марасулов. — Биз каби кексаларнинг ҳолидан хабар олиб, Янги йил байрамига совға-салом, дам олишимиз учун маданий-маърифий кечалар уюштирилаётганидан бошимиз кўкка етди. Умримизнинг кўп қисми машаққатлар билан кечган бўлса-да, кексалик даврида озод ва обод Ватанда тинч-осойишта ҳаёт кечираётганимизга шукрона айтамиз.

Тинчлик-тотувликни асраш мақсадида маҳалла фаоллари аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида олиб бораётган тарғибот-тушунтириш ишлари ўз самараларини бермоқда. Вақтинча рўйхатда турганларнинг шахси ва фаолияти аниқланиб, хорижга ишлаш учун кетган ва қайтиб келганлар ҳақида маълумотлар базаси яратилган. Ҳудудларда посбонлар етакчилигида жамоатчилик асосида туну кун навбатчилик ташкил этилган.

Маҳалла посбонлари томонидан вояга етмаган ёшлар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ҳудуддаги ҳар бир милиция таянч пункти қошида ташкил этилган спорт тўгараклари ва "устоз — шогирд" марказларига тарбияси оғир, боқувчисини йўқотган болалар жалб этилган. Турли йўналишдаги тўгараклар уларнинг касб-ҳунар ўрганишига кўмаклашмоқда.

— Маҳалламизда ёшларни ёт ғоялар, миллий қадриятларимизга зид бўлган турли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган тушунтириш-тарғибот ишлари кучайтирилмоқда, — дейди Беҳизор маҳалласи посбони Шавкат Муродбеков. — Тажрибали, кўпни кўрган отахону онахонлар иштирокида ўтказилаётган суҳбатлар маҳалла ободлигини таъминлаш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли уюштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

Mulohaza

Умумий мол-мулк

эр-хотин ўртасида тенг тақсимланади

Халқимизга хос бўлган оилани асраб-авайлашдек эзгу қадриятга истиқлол йилларида алоҳида эътибор қаратилиб, бу муқаддас масканда соғлом муҳитни қарор топтириш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш устувор вазифа этиб белгиланди. Бир сўз билан айтганда, оила — жамият ва давлат муҳофазасига олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оила мустаҳкамлигининг асосий пойдевори — қонуний никоҳ ФҲДЁ бўлимида қайд этилган кундан бошлаб эр-хотин томонидан орттирилган, харид қилинган мол-мулк биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади. Албатта, эр ва хотиннинг умумий мулки тушунчаси кенг қамровли маънога эга бўлиб, бу Оила кодекси асосида тартибга солинади. Яъни ушбу кодекснинг 23-моддасига кўра, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

(Давоми тўртинчи бетда)

битим

ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олади

Бунинг оқибатида битта турар-жойни уч-тўрт кишига сотиб юбориш ҳоллари рўй беради. Яъни айрим фуқаролар фирибгарларга алданиб қолади.

Шу ўринда фикримизнинг далили сифатида бир мисол келтириб ўтсак. Зарафшон шаҳар, "Янги-Зарафшон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги бир турар-жой фуқаролар ўртасида олди-сотди қилиниб, уй учун пулнинг асосий қисми берилган. Аммо бу пуллар учун тилхат олинмаган. Бунинг устига, пулнинг озгина миқдори берилмагани сабабли олди-сотди шартномаси нотариал тартибда ҳам расмийлаштирилмаган.

Оқибатда фуқаролар ўртасида низо келиб чиқиб, иш судгача бориб етган. Бундай ҳолатда пул берган тараф қўлида ёзма далил-исботи бўлмагани сабабли буни судда исботлай олмайди ва берган маблағига қуйиб қолади.

Бошқа бир мисол: А.Салимов судга С.Асроровга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Ўз навбатида, С.Асроров судга қарши даъво тақдим қилиб, А.Салимовдан савдо дўконини олиб беришни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 109-моддаси талабига мувофиқ, битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Судда С.Асроров билан А.Салимов ўртасида низоли дўконнинг олди-сотди шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ёзма ёки бошқа далиллар аниқланмади. Гувоҳлар суддаги тушунтиришларида дўкон олди-сотдиси ҳақида оғзаки битим тузилганини тасдиқлашган бўлса-да, унинг баҳоси қанчага келишилгани, дўкон учун пул суммаси олинганидан бехабар эканликларини қайд этишди.

Қисқаси, суднинг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилиб, қарши даъво қаноатлантирилди. Яъни суд қарорига кўра, А.Салимовдан С.Асроровга савдо дўкони олиб берилди.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, фуқаролар битим тузиш чоғида унинг ёзма шаклига риоя этишлари ва белгиланган тартибда давлат нотариал идорасида расмийлаштиришлари ғоятда муҳимдир. Зотан, бу турли низоларни ва ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш ҳамда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашнинг муҳим омилидир.

Нодиржон РАСУЛОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг судьяси

2016-yil — Sog`lom ona va bola yili

Соғлом она ва бола

мустаҳкам жамият таянчи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ана шундай хайрли ишлар самарасида "Save the Children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олгани ғоятда аҳамиятлидир. Бу кўрсаткич бўйича Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ каби энг ривожланган давлатлардан олдинда эканимиз, ҳеч шубҳасиз, мустақиллик йилларида аҳоли, хусусан, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самараларини бераётганининг намоёни, демакдир.

Шуни ҳам мамнуният билан қайд этиш жоизки, репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен ўзининг 2011 йил 25-26 ноябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган нуфузли халқаро анжумандаги нутқида эътироф этганидек, Ўзбекистонда ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланса арзийди.

Халқаро аҳамиятга молик бундай эътирофлар, албатта, мустаҳкам амалий асосга эга. Бинобарин, мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан кенг қамровли ҳаётбахш ислоҳотлар доирасида тиббиёт соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш давлатимизнинг изчил сиёсатига айланди. Бунинг натижасида соғлиқни сақлаш соҳасида салмоқли ўзгаришлар амалга оширилиб, улкан ижобий ютуқларга эришилмоқда.

Истиқлол йилларида юртимизда, аввало, энг юқори талаб ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва уларнинг шаҳар ҳамда туманлардаги бўлимлари, тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат аҳолига бепул, юқори малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги ва ноёб ягона тизим шакллантирилди.

Барча ҳудудларда 3 200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди. Туман ва вилоят даражасидаги соғлиқни сақлаш муассасалари оптималлаштирилиб, ихчам туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли шифохоналари ва поликлиникалари ташкил этилди.

Шунингдек, мамлакатимизда эътироф этилган илмий мактаблар негизида — кардиология ва кардиожарроҳлик, акушерлик ва гинекология, урология, офтальмология, пульманология ва фтизиатрия, эндокринология каби йўналишларда 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу марказларда аҳолига юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатилмоқда.



Яна бир муҳим жиҳат: мамлакатимиз таълим тизимидаги ислоҳотлар туфайли фарзандларимизнинг 12 йиллик таълимдан баҳраманд бўлиши қонуний кафолатланди. Пировардида бугунги кунга келиб мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълим билан қамраб олиш 98-99 фоизни ташкил этаётир.

Таълим тизимида амалга оширилган туб ислоҳотлар Ватанимиз истиқболини белгиловчи олий мақсадларни ўзида мужассам этгани бугун ўз самарасини бермоқда. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида белгиланган улуғвор вазифалар ижроси ўқув муассасаларида таълим сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, таълим-тарбиянинг ўзига хос усулларини жорий этиш, салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш имкониятини яратди.

Бугунги кунда хорижий ва халқаро экспертлар Ўзбекистонда бола камолоти йўлидаги бу каби долзарб вазифаларнинг муваффақиятли ижроси оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида таъминланаётганини юксак баҳоламоқда.

Жумладан, 2012 йилда пойтахтимизда ўтган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференцияда Ўзбекистонда яратилган узлуксиз таълим ва тарбия тизими бошқа давлатлар учун эталон сифатида қайд этилди. Анжуманда ўринли таъкидланганидек, буларнинг барчаси Ўзбекистон — болалар ва ёшларнинг келажаги, демакки, мамлакат истиқболи ҳақида юксак ғамхўрлик қилинадиган давлат эканидан далолатдир.

Табиийки, буларнинг барчаси халқимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек муқаддас орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга қаратилган. Мамлакатимизда ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ҳамда иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, қалбида она юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган беқиёс саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам.

Энг муҳими, дунёнинг турли минтақаларида қирғин баротлар юз бераётган, қанча-қанча жойларда инсон ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилаётган, минглаб инсонлар турли муаммолар гирдобида яшаётган бир пайтда Ватанимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, халқимиз яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари билан банд. Фарзандларимиз соғлом вояга етиб, тадбиркорлик, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида бошқалар ҳавас қиладиган натижаларни қўлга киритмоқда.

Бу фикримизни биргина мисол — якунига етиб бораётган 2015 йил юртимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" деган ном билан аталгани ва шу асосда Давлат дастури тасдиқланиб, бир неча йилларга мўлжалланган амалий чора-тадбирлар ҳаётга чуқур татбиқ этилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Бинобарин, жорий йилда амалга оширган барча эзгу ишларимиз тимсолида, таъбир жоиз бўлса, кексаларимизни эъзозлаш, уруш ва меҳнат фахрийларини қадрлаш, тарихга ҳурмат билан қараш, азалий қадриятлар, қадимий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, шукроналик билан яшаш, ёшларга ҳал қилувчи куч сифатида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш ҳақида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган кенг қамровли, теран мантиқий фикрлар, амалий хулоса ва таклифлар ўз инъикосини топгани қувонарлидир.

Ҳар қайси униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўз ота-боболари анъаналарини давом эттириб, уларнинг хотираси, бебаҳо меросига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, ғурур-ифтихор ҳисси билан яшаши — бу инсон омилига бўлган эътиборнинг том маънодаги амалий ифодасидир. Аслида ҳам, бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил — инсон.

"Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кираяпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман", дейди Президентимиз. Бу сўзлар замирида навқирон авлодимизга нисбатан қанчалар меҳр, ишонч ва эътибор мужассам эканини кўплаб амалий мисолларда кўриш мумкин. Зеро, ўз фарзандларининг келажаги ҳақида чинакам ғамхўрлик қиладиган халқнинг эртанги куни ёруғ бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Шундай экан, мамлакатимиз раҳбари кириб келаётган 2016 йилни — "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиш асосида алоҳида таъкидлаганидек, "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим.

Ғулом МИРЗО,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Mulohaza

Умумий мол-мулк

эр-хотин ўртасида тенг тақсимланади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлар, пайлар, омонатлар, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулки, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкини тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини англатади.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тасдиқланган розилигини олиши лозим. Бундай битимни тузишга нотариал тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида суд тартибида ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

Оила кодексининг 27-моддаси талаблари эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажрашгандан кейин ҳам арз қилган ҳолларда амалга оширилишини назарда тутади.

Шунингдек, эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш пайтида эътиборга олинмайди.

Оила кодексининг 28-моддасида эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда улушларини аниқлаш тартиби белгиланган. Бунга кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Суд вояга етмаган болалар манфаатлари ёки эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра, даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақлидир.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда уларнинг умумий қарзлари ҳар иккаласи ўртасида тақсимланади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоятининг туманлараро судларида эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш, умумий мулкдан улуш ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари кўрилиб, қонун талаби асосида ҳал этилмоқда.

Мисол учун даъвогар А.Алимова жавобгар Х.Давроновга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, умумий мулк ҳисобланган "Каптива" русумли автомашинадан ўз улушини ундириб беришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, автомашина тарафларнинг қонуний никоҳлари давомида сотиб олиниб, жавобгарнинг номига расмийлаштирилган. Шунинг учун ҳам суд иш юзасидан хулосага келишда низоли автомашинани тарафларнинг умумий мулки деб ҳисоблаб, даъвони қаноатлантиришни лозим топган.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган ва суд-техника экспертизасининг хулосасига кўра, 66 миллион сўмга баҳоланган "Каптива" автомашинасининг ярим баҳоси — 33 миллион сўм миқдоридаги маблағни жавобгардан даъвогар фойдасига ундирилиши белгиланган.

Шу ўринда яна бир мисол.

Даъвогар Н.Эрматованинг жавобгар К.Тоҳировга нисбатан мол-мулкни бўлиш ҳақидаги даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилди.

Айтиш керакки, суднинг ҳал қилув қарорида жавобгардан даъвогар фойдасига умумий мол-мулкнинг 1 миллион 521 минг 500 сўм миқдордагисини олиб бериш, 3 миллион 200 минг 000 сўм миқдордаги мол-мулк эса, жавобгарга қолдириш, ўртадаги фарқи учун жавобгардан даъвогарга 1 миллион 678 минг 500 сўм компенсация ундириш белгиланди. Шунингдек, тарафларнинг қонуний никоҳлари давомида сотиб олиниб, жавобгарнинг номига расмийлаштирилган ва экспертиза хулосасига кўра, 22 миллион 333 минг 594 сўмга баҳоланган "Матиз" русумли автомашина жавобгарга қолдирилиб, автомашинанинг ярим нархи 11 миллион 116 минг 797 сўм жавобгар ҳисобидан даъвогарнинг фойдасига ундирилди.

Шуни ҳам унутмаслик жоизки, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди. Аниқроқ айтганда, қонуний никоҳдан ўтмасдан бирга яшаган шахслар ўртасидаги мол-мулкларни тақсимлаш Оила кодекси билан тартибга солинмайди.

Хулоса қилиб айтганда, эр-хотиннинг умумий мулкидан унумли ва баҳамжиҳатлик билан фойдаланиш оила аъзоларининг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, мавжуд шарт-шароитларни янада қулайлаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ибодат ШОЙМАРДОНОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг судьяси

G'aroyib olam

Маълумки, дунёдаги барча халқлар янги йилни катта хурсандчилик билан қарши олишади ва байрам куни қадимдан сақланиб келаётган бир-биридан ғаройиб урф-одат ва удумларга амал қиладилар.

Биз билган ва билмаган дунё

ЯНГИ ЙИЛ ОДАТЛАРИ: УНИ КИМ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛАДИ?

Масалан, Шотландиянинг шимолий ҳудудларида яшайдиган қадимги кельт қабиласи янги йил арафасида хонадонларидаги ўчоқнинг олови ўчиб қолмаслигига алоҳида эътибор қаратишади. Бу удумнинг асоси ўша замонда гугуртнинг йўқлиги билан боғлиқ бўлса-да, аммо кельтлар янги йил кечаси хонадонларидаги олов ўчиб қолиб, қўшнидан чўғ сўраб чиқишни уят ҳисоблашган. Қолаверса, ўчоқдаги оловнинг ўчиб қолишини бу хонадондан омад юз ўгиришига ишора, деб билишган.

Японияда эса, байрам арчаси кадомацу деб номланган дарахт ва ўсимликлар тўпламидан иборат бўлиб, у сосна, бамбук ва шоли найчаларидан ташкил топади. Япон халқи янги йилни қўнғироқнинг 108 марта зарби билан кутиб олишади ва ана ўша жаранглдор зарблар одамнинг 108 та салбий иллатига барҳам беради, деган ақидага ишонишади. Бонг уришдан тўхтагач эса, ҳамма баравар кулиши лозим, акс ҳолда, йил давомида унинг омади юришмайди, деган тушунча японияликларнинг асосий шиорига айланган. Янги йилда хонадон эшиклари бамбук ва сосна дарахти шохлари билан безатиб қўйилади, бу узоқ умр ва садоқат рамзини англатади.

Венгрияда бундан ҳам қизиқ одат мавжуд бўлган. Бу мамлакатда янги йилнинг биринчи кунида уйга кириб келган биринчи меҳмон аёл бўлса — омадсизлик, ўғил бола ташриф буюрса, ҳақиқий барака ҳисобланган. Шунинг учун ҳам венгерлар кимгадир, масалан, қўшниси ёки қариндошига қут-барака тилаш учун, албатта, бирор-бир баҳона билан тонг саҳарданоқ ўғилларини ўша хонадонга бирров чиқиб келишга ундаган. Ана шундан сўнг бу хонадонга аёлларнинг ташриф буюриши ҳеч қандай "хавф" солмас экан.

Италияда янги йил кечаси кўчаларда юриш тавсия этилмайди. "Эски юкдан халос бўлиш" ақидасига ишонган маҳаллий аҳоли янги йил кириб келиши билан эски буюмларини деразадан ташқарига улоқтира бошлашади. Негаки, эски буюмлар олдинги дард ва кўнгилсизликларни ўзи билан бирга олиб кетар эмиш ва уларнинг ўрнида янги буюмларга, демакки, янги ниятларга жой очилиши керак экан. Шу боис янги йил кечаси италияликлардан байрамни кўтаринки руҳда кутиб олиш билан бирга ҳушёрликни ҳам унутмаслик талаб қилинади. Бу мамлакатда Баббо Натале деб номланувчи қорбобонинг қизил либоси шу қадар машҳурки, ҳатто полиция ходимлари ҳам янги йил арафасида ушбу либосда хизматда туришади.

Германияда эса, янги йил кечаси одамлар стул ва бошқа баландроқ жойларга чиқиб туришади ва одатга кўра, соат миллари 12^{00} га бонг уриши биланоқ барча қўлида танга ушлаган ҳолда ерга сакраб, шу орқали гўё янги йилга ўтиб оладилар. Ана шунда келаётган йил баракали ва сердаромад бўлар экан. Бахт ва янги куч тарк этмасин, деган ниятда немислар куздан буён асалда сақланаётган сабзини зўр иштиёқ билан истеъмол қилишади.

Болгарияда бўлса, янги йил кириб келиши билан ҳамма хонадонларда чироқларни уч дақиқага ўчириб одамлар бир-бирини байрам билан қутлашган.

Эквадорда байрам куни ярим тунда ёвуз руҳларни қўрқитиш мақсадида қўғирчоқлар ёқилади. Янги йил кириб келиши олдидан, яъни соат 12 марта бонг ургунча катта жомадон кўтариб, уйи атрофини айланиб югурган киши ўша йили кўп саёҳат қилади, дейишади. Бой бўлишни ният қилганлар — янги йил кириб келиши билан сариқ рангдаги кийим кийишлари керак экан. Ҳаётидаги ғамгин лаҳзалардан қутулишни истаганлар эса, сув тўлдирилган косани улоқтиришлари лозим. Коса чил-чил бўлиб синса, демак, ғам-ташвишлар ҳам парчаланиб кетади.

Вьетнамда янги йил ой тақвимига кўра, 21 январ ва 19 феврал кунлари орасида, яъни мамлакатга баҳор кириб келиши арафасида ўтказилади. Байрам куни ҳар бир хонадонда шафтоли новдаси бўлиши шарт. Вьетнамликлар ҳар бир уйда фаришта яшашига ва байрам куни фаришта уйни тарк этиб, самога йўл олиши ҳамда хонадон эгалари йилни қандай ўтказишганини худога етказишига ишонишади. Қадимдан вьетнамликлар Тангри зоғора балиқда сузиб юради деб ишонишган. Шу сабаб ҳар байрамда зоғора балиқ сотиб олиб, сувга оқизиш одати сақланиб қолган.

Турли маданиятларни бирлаштирган Ҳиндистонда байрамлар сони шунчалик кўпки, агар ҳар бири нишонланса, унда ишламасликка тўғри келади. Шу сабаб кўпгина байрамлар одамларнинг хоҳишига кўра белгиланади. Яъни байрам куни ходимлар таътил олиши мумкин, аммо корхоналар ишлашда давом этаверади. Лекин Ҳиндистон миллий тақвими бўйича янги йил 22 март куни кириб келади.

Қисқаси, дунё халқлари орасида янги йилни кутиб олиш билан боғлиқ бундан ҳам ғаройиб урф-одатлар мавжуд. Энг муҳими, бу урф-одатларнинг замирида албатта, эзгу ниятлар мужассам.

Интернет материаллари асосида Оловиддин Собир ўғли тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1222. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6553.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20^{00} Топширилди: 21^{30}